

1. Абу Лахабнинг кўллари куригай – халок бўлгай! (Аникки) у куриди – халок бўлди.
2. Мол-мулки ва касб килиб топган нарсалари унга аскотгани йўк! 3-4-5. Яқинда у ва унинг ўтин оркалаган, бўйнида пишик толадан эшилган аркон бўлган хотини (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак!

Сураинг охиридаги «Фий жидийха хаблун мин масад» оятида «масад» сўзи иштирок этгани учун шу ном билан аталди. Масад – пишик толадан эшилган аркон бўлиб, Абу Лахабнинг хотини Умму Жамил бўйнига боғланади. Ва яна сураинг аввалида «таббат» сўзи иштирок этгани учун мана шу ном билан ҳам номланди. Таббат – куригай, халок бўлгай, деган маънони англатади. Бундан ташқари, бу сура Абу Лахаб ёки Лахаб сураси, деган ном билан ҳам аталади.

### **Сураинг ЎЗИДАН олдинги сурага муносабати**

Бу сура билан олдинги сура ўртасида муқобиллик бор. Бундан олдинги Наср сурасида Аллох таоло Ўзига итоат қилувчини бу дунёда фатх ва галаба, охирада эса тўла-тўқис савоб билан муқофотлашини зикр этган. Бу сурада эса гунохкорларнинг дунёда хасорат, охирада эса жазога гирифтор бўлишларини зикр этган.

Сура ўзида камраган нарсалар хақида

Маккада нозил бўлган бу сурада Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг амакилари Абу Лахаб Абдулуззо ибн Абдулмутталиб ва унинг хотини Умму Жамил Арво бинти Харб ибн Умайяларнинг қисматлари хақида сўз юритилади. Яъни Аллох ва Унинг Расули душмани бўлган Абу Лахабнинг хаёти дунёда халок бўлиши ва Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга озор бериб душманчилик қилгани, одамларни иймондан тўсгани учун охирада дўзах оловига тушиши хабари берилади. Шу сингари бу азобга у билан бирга хотини ҳам шерикдир. Чунки Умму Жамил дунёда эрининг қуфри, қайсарлигига ёрдамчи эди. Охирада ҳам жаханнам оловидаги азобга ёрдамчи бўлади.

### **Сураинг нозил бўлиш сабаблари**

Икки «Сахих» китобида Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, «Яқин қариндош-уруғларингизни (Аллохнинг азобидан) огохлантинг» ояти нозил бўлганда, Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам чиқиб Сафо тепалигига кўтарилдилар ва: «Эй дўстлар!» деб нидо қилдилар. Эшитганлар: «Бу нидо қилаётган ким ўзи?» дейишди. Баъзилари: «Бу Мухаммад-ку! Унинг атрофига йигилинглар», деб айтишди. Қачонки, «Эй фалончи болалари, эй пистончи болалари, эй Абдуманноф болалари, эй Абдулмутталиб», деб айтгандилар, улар тўпланишди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Агар сизларга мана шу тоғнинг чўккисидан отликлар бостириб келмоқда, деб хабар берсам, мени тасдиқлайсизларми?» десалар, улар: «Биз сенинг ҳеч қачон ёлгон сўзлаганингни кўрмаганмиз», дейишди. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам: «Ундай бўлса, мен сизларни яқин қунларда содир бўладиган каттик азобдан огохлантираман», дедилар. Абу Лахаб: «Кўлинг куригур, бизни шу нарсага

тўпладингми?» деб ўрнидан туриб чикиб кетди. Сўнгра «Таббат ядаа абила хабив...» сураси нозил бўлди.

Торик Мухобирийдан ривоят қилинади: «Мен ёш йигитлик пайтимда Зулмажоздаги бозорда юрсам, бир киши: «Эй инсонлар! «Ла илаха иллаллох», деб айтинг, нажот топасизлар», дерди. Оркасидан бир киши (нимадир) отар ва халиги гапираётганнинг болдирию товони конар эди. Халиги нарса отаётган киши: «Эй одамлар, бу ёлгончи, уни тасдик этманглар», деб айтарди. Мен: «Бу гапираётган ким?» десам, улар: «Бу Мухаммаддир, ўзини Набийман, деб ўйляпти. Мана бу эса амакиси Абу Лахаб, уни ёлгончи, деб ўйляпти», дейишди».

### Тафсир ва баён

«Абу Лахабнинг кўллари куригай» жумласи мажозий бўлиб, «халок бўлди, хасратда колди», деган маъноларни англатади. Ва яна халок бўлиб, хасоратда қолишини дуоибад қилиб сўралганини ҳам ифода этади.

«Халок бўлгай» – ҳақиқатда халок бўлиши воқелиқда содир бўлгай. Бу Аллох томонидан келган хабар бўлиб, у дунё ва охираатда хасрат-надоматда колгай. Абу Лахаб Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг амакилари, асли исми Абдулуззо ибн Абдулмутталибдир. Бу нобакор кимса Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга ва у Зот тарғиб этаётган динга кўп озор ва зарар етказган.

Аллох таоло бу кимсанинг босиб ўтган умр йўли ҳақида хабар бериб: «Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга аскотгани йўк». Яъни қиёмат куни ҳам жамлаган моли, кўлга киритган фойда, обрў ва болалари у мубтало бўлган азобдан узоклата олмади. Чунки у Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга ашаддий душманлиги ва одамларни иймонга қиришидан тўсгани сабаб шу нарсага тушган эди. Бундан ташқари, у Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг орқаларидан юриб, нима сўз айтсалар, уни ёлгонга чиқарар эди».

Имом Ахмад Рабийха ибн Аббоддан қилган ривоятларида айтилишича, Рабийха жоҳилият даврида Исломга кирди. У: «Мен Расулulloх соллаллоху алайхи васалламни жоҳилият даврида Зулмажоз бозорида кўрганман. У Зот: «Эй одамлар, «Ла илаха иллаллох», деб айтинглар, нажот топасизлар», деб айтардилар. Одамлар эса у Зот атрофларида тўпланишар эди. Орқаларида эса юзи чиройли, кўзи гилай, гажак сочли киши эргашиб юрар ва: «Ишонманглар, бу динидан қайтган ёлгончи», дер ҳамда қаёкка борсалар, бирга кетар эди. Бу эргашувчи ҳақида сўрасам, у амакилари Абу Лахаб, деб жавоб беришар эди», деди.

Сўнгра Аллох таоло Абу Лахабни келажакда қутаётган азоблар ҳақида зикр қилиб шундай деди: «Яқинда у (ловуллаб турган) алангали дўзахга қиражак». Яъни яқин кунларда териларни қуйдирадиган жаҳаннам оловида қуяжак.

Абу Хайённинг тушунтиришларида, «саясла» калимасида «са» харфи келажакда зикр қилинган нарса рўй беришини англатади. Узок муддатдан кейин бўлса ҳам, ўша ходиса рўй беради. Бунда маҳоллик йўк.

«Ва яна унинг ўтин орқалаган хотини ҳам (ловуллаб турган алангали дўзахга қиражак!)». У Абу Суфённинг синглиси Умму Жамил Арво бинти Харбдир. У тиконли, игнали шохларни олиб, кечаси Расулulloхнинг соллаллоху алайхи васаллам йўлларида ташлар эди.

Баъзилар: «Чакимчилик билан одамлар орасини фасод қилиб, улар орасида адоват

оловини ёкиб, ёмонликлар таратгани учун оятда «ўтин оркалаган», деб номланди», дейишди. Мана шу кўпчиликнинг фикридир.

Абу Хайён: «Хакикатда у Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг ва саҳобаларнинг йўлларига жароҳатлаш мақсадида тиконли шохларни улоктирар эди. Аллох бу амалини ёмонлаб уни «ўтин оркалаган», деб номламокда», дедилар.

«Унинг бўйнида пишик толадан эшилган аркони бўлади». Яъни, олов занжирлардан эшилган нарса бўйнида бўлади. Аллох таоло жаханнам оловидаги азоб холатини бу дунёдаги чакимчилик холати билан тасвирламокда. У бўйнида боғланган тиконли шохларни олиб, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам йўлларига ташлар эди. Албатта, киёмат куни хар бир жиноятчи гуноҳ килган холатидаги жинсли нарса билан азобланади.

Баъзилар: «Аллох таоло «ўтин оркалаган», деб айтиш билан Умму Жамилни ва эри Абу Лахабни хўрлаб, масхаралашни тасвирлаган», деб айтишди.

Качонки, Умму Жамил ўзи хакида сура нозил бўлганини эшитиб, Абу Бакр (розияллоху анху) хузурларига келди. Абу Бакр (розияллоху анху) Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам билан бирга масжидда эдилар. Умму Жамилнинг кўлида эса тош бор эди. У: «Менга етиб келишича, дўстинг менинг устимдан кулибди. Мен уни ундай ва бундай киламан», деди. Аллох таоло унинг кўзига Расулуллох соллаллоху алайхи васалламни кўринмайдиган килиб кўйди. Абу Бакр (розияллоху анху) унга: «Мен билан бирор кишини кўрмаяпсанми?» дедилар. У: «Мени масхара кияпсанми? Сендан бошқа кишини кўрмаяпман», деди.

Саид ибн Мусайябнинг айтишларича, Умму Жамилнинг дабдабали маржони бор эди. У: «Лот ва Уззо санамлари номига касамки, мен бу бойлигимни Мухаммаднинг зарарига сарф киламан», дер эди. Шунинг учун Аллох таоло уни оловдан эшилган аркон билан азоблади.

### **Сурадан ўрганганларимиз**

Бу сура Абу Лахаб ва унинг хотини Умму Жамилнинг азобланиши ҳамда икки дунёдаги ёмон оқибатларини Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга нисбатан каттик адоватлари сабабли, деб баён этади. Биринчи оят Абу Лахаб хакидаги хабар бўлиб, гайб ишларидан уч кўринишни ўз ичига олади:

1. Халок бўлиб хасоратда колиши хабари. Бу нарса воқеликда бўлган.
2. Моли ва болаларидан фойдалана олмаслиги хабари. Бу ҳам воқеликда бўлган.
3. Албатта, у дўзах ахлидан экани хабари. Шундай ҳам бўлди. Чунки у кофир холатида вафот этди.

Аммо кейинги икки оятда Умму Жамилнинг азобланишини тасвирлаб, эри билан бирга жаханнамга тушишини, унинг иссигида куйиб, оловида ёнишини хабар беради.

Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга озор бергани ва одамлар орасида адоват такратиб чакимчилик килгани туфайли дунёда халокатга учраб, охирада эса жаханнамда оловдан бўлган занжир ва аркондан осиб азоб берилади.

Заххок ва бошқалар: «Умму Жамил Расулуллох соллаллоху алайхи васалламни камбағалликда айблар эди. Ўзи эса ўтинларни териб, эшилган ипга боғлаб, оркалаган холда олиб келар эди. Аллох таоло уни бу дунёда бўғиб халок килди, охирада эса оловдан бўлган аркон билан бўғади», дейишди.

Уламолар айтишди: «Бу сура Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг Пайгамбар

эканликларига очик-ойдин далил бўлувчи мўъжизалардан биридир. Чунки Аллох таоло: «Якинда у ва унинг ўтин оркалаган, бўйнида пишик толадан эшилган аркон бўлган хотини (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак» оятини нозил қилганидан ва иймонсиз бўлиб бадбахтлигини хабар берганидан бери уларнинг иккови ёки бирлари хох зохирий, хох ботиний бўлсин, хох сир, хох очикчасига бўлсин, иймон келтиришларини тақдирга битмади. Мана шу нарсанинг ўзи Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг Пайгамбар эканликларига энг кучли далиллардан биридир».